M. Rakhmankulova

On historical sources on the study of the history of bookbinding in Central Asian

The article is devoted to study of the history of art of bookbinding in Central Asia. Studying the theme is based on manuscript's bookcovers, sources and researches. According to the result of foreign scientists' researches the epoch of Temurid's are known as the most flourishing period of eastern bookbinding.

Key words: *Bookbindings, historical sources, sources on the technology of bindings, bookbinding in the Epoch of Timurids, later Central Asian bindings.*

Д. Расулова

Франция шарқшунослик мактабларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (XVI–XX аср бошларида)

Шарқ ҳудудларини ўрганиш учун Епропада шаклланган ўзига хос фан, яъни Ориенталистика (Шарқшунослик) Осиё ҳамда Шимолий Африка халқлари ва мамлакатларининг тарихи, тили, адабиёти, санъати, дини, менталитети, фалсафаси, ижтимоий ҳаёти, иқтисодиётини ўрганувчи комплекс илмий фанлар мажмуаси бўлиб ҳисобланади [19]. Французлар ушбу илмий жараёнда яъни жаҳон ориенталистикасининг пайдо бўлиши ва ривожида Ғарбдаги шарқшунослик тадқиқот марказлари орасида биринчи ўринни эгаллайди [6: 113].

XVI–XVII асрлардаёқ Шарқ халқлари тарихи, географияси ва миллий давлатчилик асослари ҳақида тизимли манба йиғиш эҳтиёжи Франциядаги дастлабки шарқшунослик мактаблари пайдо бўлишига асос бўлди. Мазкур мактабларда Шарқ мамлакатларининг тарихи ва маданияти билан яқиндан таниш бўлган, шарқ тилларини чуқур ўзлаштирган, тадқиқот олиб боришга лаёқатли, юқори малакали сиёсий кадр ҳамда илмий мутахассислар (дипломат, консул, элчи, олим, тадқиқотчи, полиглот-кўп тилларни билувчи киши, педагог, ношир, кутубхоначи, музейшунос) тайёрланган.

Айни пайтда, турли олий ўқув юртлари қошидаги факультетларда ҳам шарқшунослик соҳасида таълим берилган. Ушбу марказларнинг ҳар бири ўзига хос методологияга эга бўлиб, уларнинг асрлар давомидаги фаолиятида бир неча маротаба қайта тузилиш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Айримларининг номланиши ва структураси ўзгарган ҳолда, фаолияти бугунги кунгача давом этиб келмоқда.

Француз шарқшунослигини умумий ҳолатда бир-бирини ўрнини тўлдириб борган тўртта асосий босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчи босқич, XVI асргача бўлган даврда диний жараёнларни бошқаришда қадимги яҳудий, араб ва форс каби шарқ тилларини ўрганиш зарурияти юзасидан ўрта аср христиан олами билан турли кўринишдаги муносабатлар олиб бориш учун керак эди.

Иккинчи босқич, XVI–XVIII асрларда Франция Осиё қитъасига иқтисодий эҳтиёжлар асосида кириб борди. Бу даврда иезуитлар миссионерлик ишларини олиб борган, уйғониш даври файласуфларида эса Осиё цивилизацияларига нисбатан қизиқиш ортиб борган.

Европада XVII асрдан бошлаб форс, турк, хитой каби шарқ тиллари чуқур ўрганила бошланди. Натижада шарқ тиллари луғати, шарқ муаллифлари (асосан, Саъдий) асарларининг матн ва таржималари [11] пайдо бўлди, 1667 йилда эса Парижда Бартелеми д'Эрбело томонидан "Шарқ кутубхонаси" номли тўплам нашр этилди [12]. XVII аср охирларида эса Лейден, Париж, Оксфорд университетлари кутубхонасида Шарқ қўлёзмаларининг йирик коллекциялари йиғилиб, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан Шарқшуносликни илмий асосда ўрганиш жараёни бошланди. Мустамлакага айлантирилган Шарқ мамлакатларидан Ғарбга катта моддий бойликлар билан бир қаторда кўплаб ёзма ёдгорликлар ҳам олиб кетилиб, кейинчалик бой қўлёзма фондлари ташкил этилди. Уларда фан ва маданият тарихи, диншунослик, ҳуқуқ, фалсафа, тил ва адабиётга оид қўлёзма асарлар йиғилган бўлиб, уларни таржима ва тадқиқ этиш илмий шарқшуносликнинг шаклланишига олиб келди [9: 8–9].

Учинчи босқич, XIX–XX асрлар, французларнинг мустамлака экспансияси даврини бошлаб берди. Айниқса араб мамлакатлари, Узоқ Шарққа ва Марказий Осиёга оид тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни ошириб, барча гуманитар фанлар кесимида илмий тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу босқичда мисршунослик, хитойшунослик ва ассириология (оссурия-шунослик) илмий йўналишлари шаклланди. Шунингдек, ушбу даврда марказийосиёшунослик ҳам ўзига хос йўналиш сифатида шаклланиб, Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун форс тилидаги манбаларнинг аҳамияти ортиб бориб, улар илмий истеъмолга киритилди.

Мазкур даврда Франция хитойшунослик бўйича биринчи қаторда турган давлат сифатида ҳам машҳур бўлиб, шарқшунос олим В.В.Бартольднинг фикрича синология XIX асрда "французлар фани" ҳисобланган [4: 174].

Тўртинчи босқич, 1991 йилдан кейинги давр бўлиб, бунда шарқшунослик янгича йўналишда акс эта бошлади. Сабаби, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ва дунё сиёсий харитасида кузатилган ўзгаришлар,

янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан француз тадқиқотларининг кўлами ҳам жадал тарзда ошиб борди.

Бунинг учун Марказий Осиёда (1992 йил Тошкентда Марказий Осиёни тадқиқ этиш француз институти – L'Institut Franзais d'Etudes sur l'Asie centrale – IFEAC) ҳам махсус илмий марказ ташкил этилиб, бир неча йиллик фаолияти давомида кўплаб йирик тадқиқотлар олиб борилди.

Францияда Марказий Осиё минтақаси ва Осиё қитъаси бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар билан университет, институт, ташкилот ва бошқа илмий муассасалар шуғулланиб, улар ҳар хил номланади. *(Биз уларни умумий равишда "илмий марказ" номи билан атаймиз – Р.Д.*). Дастлаб умумий ҳолда шарқшуносликка йўналтирилган мактаблар яратилган бўлса, XIX–XX асрларда муайян минтақаларни ўрганишга мослаштирилган, университетлар қошида ташкил этилган махсус илмий марказлар шакллана борди. Бундай мактаблар ва илмий марказларнинг сони кўп бўлиб, қуйида улардан энг йирик шарқшунослик илмий марказларнинг фаолияти қичқача шарҳланади.

"Colluge de France" ("Коллеж де Франс") **–** мазкур таълим муассасаси Франциядаги энг қадимий олий ўқув юртларидан бири бўлиб, Парижда ўқув ва тадқиқотчилик фаолиятининг ривожланишига пойдевор қўйилган илмий муассаса ҳисобланади. Унга Франция қироли Франциск I томонидан, сарой кутубхоначиси, антик давр адабиётлари таржимони Гийом Бюдэ *(Guillaume Budй)* тавсияси асосида 1530 йилда асос солиниб, дастлаб қирол саройидаги китобхонлар учун ташкил этилган [31: 93]. Франция, Бельгия ва Швейцария таълим тизимида коллеж ўрта таълим муассасаси ҳисобланади, лекин ушбу ўринда Коллеж де Франс олий таълим муассасаси мақомига эга [31: 93]. Ушбу таълим муассасаси XVII асрда "Қироллик коллежи" *(Colluge royal)*, кейинроқ "Императорлик коллежи" *(Colluge impйrial)* ва 1870 йилдан ҳозирги ном билан аталди. Айрим адабиётларда "Классик тиллар мактаби" номини ҳам олган [3: 163].

Ушбу муассасада француз гуманистлари, яъни қирол маърузачилари ва профессорларига *(lecteurs ёku professeurs royaux)* Париждаги Сорбонна университетида ўқитилмайдиган қатор фанлар бўйича дарс бериш вазифаси юклатилиб, уларга бевосита қирол саройидан маош тўланган. Дастлабки икки профессорлар юнон ва иврит тилларидан дарс бера бошлаган бўлса, кейинчалик уларнинг сони 10 тага етиб, бошқа шарқ тиллари ҳам ўқитила бошланди [23].

Коллеж де Франс француз жамияти интеллектуал ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб, ташкилот сифатида қуйидаги тартибда фаолият олиб борган:

– таълимнинг очиқлиги ва оммабоплиги каби таълимнинг тўлиқ эркинлиги тамойилларига асосланиши (ҳеч қандай синов ва имтиҳонлар

ўтказилмаган, тингловчиларга тугатганлик ҳақида ҳеч қандай диплом ва илмий даража берилмаган [24]);

– таълим муассасасида олий маълумотли тингловчилар ўз илмий савиясини ошириш учун ўқитилган (ҳеч қандай қатъий ўқув-режа ва дастурларга амал қилинмаган, кафедра профессорлари бевосита ўзларининг илмий тадқиқот ишларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили маъруза курслари мавзуларини ўзлари аниқлаб олишган).

Коллеж де Франс асосан табиий фанлар соҳасига йўналтирилган бўлса-да, лекин шарқшуносликнинг таянч фанларидан бўлган тилшуносликнинг ҳам ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Жумладан, тропик дунё географияси, ислом социологияси, оссуршунослик, миср тилшунослиги, қадимги яҳудий ва оромий тиллари, Осиё археологияси, Шарқ маданияти, Ҳиндистон адабиёти ва тили, Марказий Осиё маданияти ва тарихи, Хитой тарихи каби кафедралар фаолият юритган.

Ушбу илмий муассасада тил ўрганиш ва уни мукаммал эгаллаш асосида шарқшунослик изчил тарзда ривожлантириб борилган. Қадимий тилларни ўрганиш жамоатчиликда янгича илмий таъсирни уйғотиб, тарихий ва адабий манбаларни ўрганишга кенг йўл очиб берган [20].

***Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институти (l'Institut national des langues et civilizations orientales* – INALCO).** Францияда илк шарқшунослик илмий маркази сифатида пайдо бўлиб, бугунги кунгача турлича ном билан аталган. Ҳам таълим, ҳам илмий тадқиқотлар маркази сифатида фаолият кўрсатган ушбу таълим даргоҳи ўз фаолияти давомида турлича номланиб келинган.

– 1669: *"Йcole des jeunes de langues" ("Ёш тилшунослар мактаби").*

– 1795 : *"Йcole spйciale des Langues orientales" ("Шарқ тиллари махсус мактаби").*

– 1914 : *"L'Йcole des langues orientales vivantes" (LELOV) ("Жонли Шарқ тиллари мактаби").*

– 1971 : *"L'Institut national des langues et civilizations orientales" – (INALCO) (Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институти"* [22]).

Ўша пайтда Шарқни ўрганиш турли моддий ва маънавий ёдгорликларни излаб топиш, ўрганиш ва таржима қилиш каби жараёнлар асосида ташкил этилган. Франция қироли Людовик XIV (1638–1715) ва давлат маслаҳатчиси Жан Батист Кольбернинг ташаббуси билан 1669 йилда Шарқий мамлакатларни ўрганиш учун мутахассислар тайёрлайдиган Ёш тилшунослар мактабига асос солинади. Буюк француз инқилоби даврида француз шарқшунослигида айрим ўзгаришлар кузатилиб, ушбу мактаб кейинчалик Шарқ тиллари махсус мактаби деб номланди.

Жонли шарқ тиллари махсус мактаби эса уч йиллик амалий ўқув машғулотлари ўтказиладиган, таржимонлар тайёрлайдиган ўқув муассасаси бўлиб, Парижда Конвент қарорига кўра 1795 йилда ташкил топган [1: 395].

Франция республикасидаги геополитик ўзгаришлар ҳукумат сиёсатининг Шарқдаги янги концепцияси билан боғлиқ бўлган, яъни Миср, Сурия ва Ливанни босиб олиш, Жанубий Осиёдан биринчи навбатда Ҳиндистондан Англияни сиқиб чиқариш, Туркия ва Эрондаги фаолликни таъминлаш режалаштирилган эди. Шунинг учун араб, форс, турк ва бошқа шарқ тилларини биладиган мутахассисларга эҳтиёж ошиб борган.

Мазкур мактабда ана шундай арабшунослик, африкашунослик, византияшунослик, мисршунослик, ҳиндшунослик, эроншунослик, семитология, японшунослик, туркология, синология каби шарқни ўрганиш соҳалари кенг йўлга қўйилди. Тил ўрганиш тарих, география ва маданият фанлари билан қўшиб олиб борилган. Ёзма манбаларни илмий тавсифлаш, каталоглаштириш, манбанинг келиб чиқишини аниқлаш, таржима қилиш ва илмий изоҳлаш шарқшунослик соҳасининг асосий вазифалари ҳисобланган. Кейинчалик қўлёзма манбаларга эпиграфик материаллар (қабр тошлари, металл идишлар ва бошқа буюмлардаги битиклар) қўшилиши натижасида шарқ эпиграфикасини ўрганиш ҳам ривожлана бошлади.

Араб тилини ўраниш долзарб масалага айланиб, араб тили “Грамматика”си ва “Хрестоматия”си каби асарларнинг муаллифи Сильвестр де Саси (1758–1838) фаолияти туфайли XIX аср бошларида Жонли шарқ тиллари мактаби арабистика ва исломшунослик бўйича йирик марказ ҳисобланарди. Ушбу илмий марказда XIX аср биринчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё тарихини ўрганиш учун форс тилидаги манбаларнинг аҳамияти ортиб борди. Этьен Марк Картмер (1782–1832) 1823 йилдан бошлаб Жонли шарқ тиллари мактабининг форс тили кафедрасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлиб, унинг саъй-ҳаракатлари билан Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асари француз тилига таржима қилиниб, кенг шарҳлар берилган ҳолда нашр қилинди [28]. Катрмернинг ижоди Рашидиддин меросининг француз ва жаҳон ориентилистикасида ўрганилиш анъанасини бошлаб берди. Шарль Шефер (1867–1898) эса Хива хонлари ҳақида Абдул Карим Бухорийнинг “Марказий Осиё тарихи” асарини француз тилидаги таржимасини нашр қилди [14].

“Йcole pratique des Hautes Etudes (EPHE)” (Илмий-амалий тадқиқотлар олий мактаби”). Университет типидаги ушбу ташкилот Парижда жойлашган бўлса-да, ҳеч қайси университет билан боғлиқ эмас. Унинг фаолият тури ҳам ўзига хос бўлиб, 1868 йилда Виктор Дюрьи *(Victor Duruy)* томонидан асос солинган [31: 188]. Ташкилот тўғридан-тўғри Таълим вазирлигига бўйсуниб, унинг асосий вазифаси талабаларни махсус

илмий тадқиқотларга тайёрлашдан иборат эди. Мактабда 6 та секция мавжуд бўлган. Улардан учтаси аниқ фанлар билан шуғулланса, тўртинчиси – тарихий ва филологик фанларга, бешинчиси – теологик фанларга, олтинчиси – иқтисодий ва ижтимоий фанларга бағишланган.

Сўнгги учта секцияда шарқшунослик фанлари асосий ўринни эгаллаган. Бу учта секцияда ўтиладиган фанлар методик ўқитиш объекти ҳисобланиб, ҳафтада бир марта одатда семинар тарзида ўтказилган. Талабалар уч йиллик таълимдан сўнг диссертацияни тайёрлаб, махсус диплом билан таъминланган мутахассисга айланган. Ўтказиладиган бундай махсус семинарларга бошқа тадқиқотчилар ҳам қатнашиши мумкин бўлган.

“L’Йcole franzaise d’Extrкte Orient” (Узоқ Шарқ француз мактаби”)га 1900 йил Сайгонда асос солинган, кейинчалик Ханойга кўчирилган. Ушбу мактаб Қоҳира, Константинопол, Афина ва Рим шаҳарларида мавжуд бўлган шундай ўқув юртлари (институтлари) намунаси асосида яратилиб, классик дунё ва қадимги Шарқ ёдгорликларини ўрганиш учун ташкил этилган. В.В.Бартольднинг фикрича, “ҳеч қандай муайян ўқув дастурларига, доимий тингловчиларига эга бўлмаган бундай мактаблар нафақат ўқув, балки илмий материаллар ишлаб чиқилиб эълон қилинадиган, илмий тадқиқот олиб бориш учун четдан келган олимларга қўлланма ва йўл-йўриқлар кўрсатадиган илмий марказдир. Бундай институтнинг мавжудлиги илмий тадқиқотнинг тўғри ва изчил боришига, тадқиқот олиб борувчиларни илм-фан ишлаб чиққан методлар билан қуроллантиришга хизмат қилади” [2: 105–106].

Париж университети гуманитар фанлар факультети. Ушбу таълим муассасасида инглиз, рус тилларидан ташқари, хитой ва араб тиллари ҳам ўқитилган. 2–3 йил давомида классик ва замонавий тилларни, маданият, фалсафа, адабиётни ўрганган талаба томонидан лиценциат (бакалавр ва докторлик ўртасидаги даража) даражасини эгаллаш учун хитой ёки араб тилида махсус ёзма иш тайёрланилган. Бу ердаги ўқитиш тизими Жонли шарқ тиллари мактабидан кўра анча юқори даражада ташкил этилган.

Бундан ташқари, санскрит, япон, шарқ мусулмонлари тарихи, ҳинд фалсафаси курслари лиценциат даражасини эгалламоқчи бўлган барча эркин тингловчи-талабалар учун ўқитилган.

Провинциядаги университетларнинг гуманитар фанлар факультети

Бордо университетида хитой ва араб тиллари, Лионда – санскрит, араб ва хитой тиллари ўқитилган. Шарқшунослик фанлари Страсбург университетида муҳим ўрин эгаллаб, немис университетларининг (1871–1918) узоқ анъаналарини давом эттиради. Араб, яҳудий ва иврит тиллари ўрганилиб,

мазкур тиллар бўйича лиценциат даражасини эгаллаш мумкин эди. Ёрдамчи фанлар сифатида турк, форс, санскрит, миср тиллари ҳам ўргатилган. Страсбург университети Францияда католик ва протестант теологик факультетлари мавжуд бўлган ягона университет ҳисобланган (1905 йилда черков давлат ишларидан ажратилгандан сўнг, барча таълим даргоҳларида бу факультетлар ёпилган). Экс Провансдаги университетда эса арабшунослик етакчи ўринни эгаллайди.

"Sociйtй Asiatique" (Осиё жамияти"). 1822 йилда бир гуруҳ шарқшунослар томонидан Осиё жамиятига асос солинди. Бу илмий ташкилотнинг очилиши ўша даврнинг Шарқни ўрганиш учун олиб борилган энг илғор ташаббуси эди.

Осиё жамияти "ижтимоий кафедраларда ўқитиладиган тилларни ўрганиш учун зарур бўлган грамматика, луғат ва бошқа китобларни яратиш, Осиё тарихига оид қўлёзмаларни топиш ёки нусха олиш, уларни таржима қилиш, литографик усулда қайта ишлаш, география, тарих ёки маданият ҳамда Шарқнинг бадиий, адабий ва поэтик асарларига оид нашрларни йиғиш ва ўрганиш каби мақсад йўлида ташкил этилган эди". Герцог Орлеанский (d'Orleans) раҳбарлигида ташкил этилган ушбу жамиятда Силвестр де Саси *(Silvestre de Sacy),* Шамполлион *(Champollion),* Абель Ремюза *(Abel Rйmusat),* Сен-Мартин *(Saint-Martin)*, Александр фон Гумбольдт *(Alexandre von Humboldt)* каби ўша даврнинг йирик тадқиқотчилари фаолият юритишган» [17: 5, 7]. Осиё жамиятининг етакчи аъзолари бўлган Антуан де Шези, Абель Ремюза санскрит ва хитой тилларини ўқитиш бўйича мутахассис, Сильвестр де Саси эса Европада араб тили бўйича етакчи мутахассислар ҳисобланган.

"Sociйtй de Gйographie de Paris" (Париж география жамияти").

Мазкур жамиятга 1821 йилда асос солиниб, унинг асосий вазифаси фаннинг турли соҳа олимлари ва саёҳатчиларга тадқиқотлар олиб боришда шарт-шароит яратиш, кўмак беришдан иборат бўлган [18: 18]. Француз шарқшунослик мактаблари илмий шарқшунослик билан бирга амалий шарқшуносликнинг ҳам ривожига сезиларли равишда таъсир кўрсатган. XIX аср иккинчи ярмида мана шундай мактаблар сони ва фаолияти ҳам кенгайиб борди. Уларда француз сайёҳлари – олимлар, ёзувчилар, журналистлар, инженерларни бундай саёҳатларга тайёрлаш ва ташкил этиш учун қулай имкониятлар яратиб берилган.

Француз география мактабининг концептуал ва методологик жиҳатдан эришган даражаси Жан-Жак Реклюнинг (1830–1905) "Умумий география" нашрида ўз аксини топган эди [29: 920]. Ж.Реклю катта ҳажмдаги фактик материаллар келтириб, географик факторлар инсоният ва жамият ҳаётига тарихига қанчалик таъсир кўрсатишини белгилаб берган эди.

Ушбу даврда Туркистонни ҳар томонлама ўрганиш француз тадқиқотларининг долзарб вазифаси эди. Бунда кўпроқ география йўналишига ихтисослаштирилган тадқиқотларнинг ютуқлари катта эканлигини эътироф этиш шарт. Бу йўналиш илмий мактаблар тармоқлари ривожига туртки бўлиб, 1839 йилда Париж этнология жамияти, 1859 йилда Париж Антропология жамияти ҳам ташкил этилган.

Музейлар. Париждаги Чернуски ва Гиме музейларида Ҳиндистон, Узоқ Шарқ ва Осиё мамлакатларининг санъат намуналари сақланади. Улар ўзларининг доимий коллекциялари билан бир қаторда, археология ва санъат тарихи соҳаларидаги қизиқарли топилмалар экспозицияларига ҳам эга бўлган. Миллий француз музейларидан бири Луврда ҳам салмоқли миқдорда Шарқ коллекциялари мавжуд. Айниқса, бу ерда Яқин Шарқнинг қадимги маданияти яхши намойиш этилган. Музей қошида Лувр мактаби – номли таълим муасасаси ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда талабалар санъат тарихи соҳаларидаги ихтисосликка ўқитилган. Ушбу мактаб дастурида Шарқ санъатига катта ўрин ажратилган.

Кутубхоналар. Юқорида тилга олинган илмий ва таълим муасасаларининг ҳар бири ўз кутубхонасига эга бўлган. Бундан ташқари, Париж Миллий кутубхонаси қошида “Шарқ қўлёзмалари хонаси” ҳам мавжуд бўлиб, Осиё тилларида нашр этилган китоблар ҳам бор эди.

Хуллас, юқоридаги қисқача тавсифларга шундай шарҳ келтириш мумкинки, ушбу шарқшунослик марказлари тўғридан-тўғри Марказий Осиё минтақасини тадқиқ этиш билан шуғулланган бўлмаса-да, таъкидлаб ўтилганидек улар томонидан Европада форс, араб, чиғатой, хитой, санскрит, турк, иврит, грек ва яҳудий тилларидаги манбалар коллекциясини тўплаш, каталоглаштириш, ўрганиш ва таржима қилиш асосида бевосита Марказий Осиё минтақаси тарихи, дини, санъатига оид маълумотлар ҳам тўпланган [30]. Шу билан биргаликда минтақамизга ёндош ҳудудлар (Хитой, Ҳиндистон, Мўғулистон, Эрон, Туркия) тарихини ўрганиш кесимида ҳам диний соҳадаги билимлар, халқаро муносабатларнинг айрим жиҳатлари, мўғуллар ва темурийлар империялари тарихи француз ориенталистлари учун тадқиқотларнинг янги оқимини бошлаб бердики, бу албатта шарқ тилларини чуқур ўрганиш жараёнларининг натижаси эди [13, 16, 19, 25, 27, 15]. XIX аср бошларидан эса рус тилидаги манбалар (М.Муравьёв, А.Левшина) ҳам француззабон тадқиқотлар объектига айланиб борди [4: 174].

Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Жонли шарқ тиллари мактабини инобатга олмаганда Франциядаги бошқа шарқшунослик марказлари мустақил характерга эга эмас эди. Одатда улар умумий ҳолатда университет қошидаги ташкилотлар бўлиб (факультетлар, Коллеж де Франс, Амалий тадқиқотлар олий мактаби ва бошқ.), бу ерда шарқшунослик фанларига ва

тилларига бошқа тиллардек бир хил ўрин ажратилган. Университет қошида ташкил этилган бундай ташкилотлар кўп сонли бўлиб, француз таълим структураси учун хос хусусиятдир. Шу сабабли ҳам ушбу ташкилотлар ва таълим муассасалари айрим тилларни (санскрит, қадимги яҳудий ва хитой) ўқитишга махсус ихтисослаштирилиши зарур бўлган.

Буни олдини олиш учун махсус муассасалар ташкил этилиб, уларга ўқитиш эмас, аксинча таълимни бошқариш вазифаси юклатилган эди. Масалан, Парижда туркология, эроншунослик, хитойшунослик, исломшунослик, семитология институтлари ташкил этилган бўлиб, улар Париж университетига бириктирилган ва ўз кутубхоналарига эга эди.

Францияда ўша даврда бугунда мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатаётган Марказий Осиёни махсус ўрганишга ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот марказлари каби марказлар ташкил этилмаган бўлса-да, бироқ ўз даври учун етарли даражада илмий ва амалий аҳамият касб этган илмий муассасалар ҳамда марказлар фаолияти ташкил этилиб, Марказий Осиё ҳақида анчагина маълумотлар тўпланган эди.

Кейинги асосий масала бу мактаблардаги шарқшунослик фаолиятини олиб бориш масаласи эди. Шарқшунослик икки қисмдан иборат бўлиб, амалий ва илмий шарқшуносликдир. Мазкур мактаблар фаолиятида ана шу хусусиятлар яққол акс этада. Масалан, Илмий-амалий тадқиқотлар олий мактаби, Париж география жамияти фаолиятида кўпроқ амалий шарқшунослик хусусиятлари акс эттирилиб, улар асосан шарққа оид моддий манбалар оламига катта қизиқиш билан қараганлар. Шарқшуносликнинг дастлабки босқичи ҳам айнан амалий шарқшуносликдан иборат эди. Кейинчалик эса уни илмий жиҳатдан ўрганиш орқали илмий шарқшунослик ривожлана бошлаган эди.

Шундай қилиб, XX асрда ҳам Париж илгаригидек йирик оренталистик марказ ҳисобланган. Шарқшунослик соҳаси хусусан, Коллеж де Франсда, Париж университетининг тиллар факультетида, Тадқиқотлар олиб бориш олий мактабида, Шарқ тиллари миллий мактабида ривожланди. Париждан ташқари Алжир, Бордо ва Лионда [26: 94–97], Экс-ан-Прованс университетининг тиллар факультетида [10: 201–216] ҳам шарқшунос мутахассислар тайёрланган.

Француз шарқшунослик ташкилотлари ва илмий мактабларининг ўзига хос томонлари билан бирга, Европадаги бошқа илмий марказларидан фарқ қиладиган қуйидаги жиҳатлар ҳам мавжуд:

– минтақамизга қизиқишнинг ортиши хорижда (жумладан, АҚШ ва Англияда) XIX аср ўрталаридан бошланган [5: 12] бўлса, Францияда XVII асрда бошланган. АҚШ ва Европа давлатларида Марказий Осиёни ўрганиш илмий марказларининг фаолияти асосан XX аср иккинчи ярмидан

ривожланган бўлса, Францияда бундай марказлар XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида ривожлана бошлади;

– АҚШда ташкил этилган илмий марказлар молиявий жиҳатдан Рокфеллер, Карнеги каби фондлар томонидан таъминланган бўлса, Францияда илмий марказлар расман университетлар қошида ташкил этилиб, давлат томонидан таъминлаб борилган (шахсан қирол Людовик XIV, Кольбер, Конвент қарорлари ва кейинчалик тегишли вазирликлар томонидан);

– немис, турк, инглиз-британ йўналишларини тадқиқ этганлар асосан Туркистондан қувғин қилинган муҳожирлар бўлса, француз тадқиқотчилари асосан европалик аҳоли бўлиб (1850–1917), уларнинг тадқиқотларида фан-маданият ва этнографик-тарихий хусусиятлар устувор аҳамият касб этган;

– француз мактабларида таълим бериш характери турлича эди, улардан айримлари тўлиқ назарий билим беришга асосланган бўлса (масалан, Коллеж де Франс), бошқаси тўлиқ амалий билимларга, машғулотларга ихтисослаштирилган (масалан, Илмий-амалий тадқиқотлар олий мактаби), яна бошқа бири эса фақат тадқиқотларни ташкил этиш ва молиялаштиришга мўлжалланган эди (Илмий тадқиқотлар миллий маркази). Қизиқарли томони шундаки, француз ориенталистлари бир неча мактаблар ва илмий марказларнинг дипломига эга бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий ва тил ўрганиш бўйича етакчи мутахассис ҳисобланган.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, француз илмий ва амалий шарқшунослиги Мовароуннаҳр (Трансоксиания) ҳақидаги муҳим маълумотларни нафақат Эрон, Туркия ва Россия, балки мана шу илк шарқшунослик илмий марказларида тайёрланган тадқиқотчилар, сайёҳлар орқали ҳам қўлга киритишга муваффақ бўлган. Бунда эса Шарқни ўрганиш учун ташкил этилган мактаблар асосий ўринни эгаллаб, етакчи мутахассисларни тайёрлаб беришда муҳим аҳамият касб этган. Ўз навбатида, эса тадқиқотчи мутахассислар томонидан Шарқ мамлакатлари ҳақида соҳалар кесимида тизимли маълумотлар йиғиб борилган.

Ушбу илмий марказлар фаолияти таҳлил қилинганда (Олий ўқув юртлари ёки амалий шарқшунослик мактаблари), ҳар бир мактабнинг алоҳида ўзига хос ёндошув усуллари ва методологияси мавжудлиги аниқланди. Ушбу марказларда таҳсил олган талабалар тадқиқот олиб бориш кўникмаларига эга бўлиб, унинг якунида тайёрланган ҳисоботлар ёки бошқа нашрлар ҳам манбавий асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун эса илмий ёки амалий мактабларнинг методикаси билан яқиндан танишиш лозим. Ҳар бир соҳа (хитойшунослик, исломшунослик) учун муайян манбалар тизими хизмат қилиб, кейинчалик уларнинг масштаби кенгайиб борган. Масалан,

марказий осиёшунослик дастлаб араб ва форс тилларидаги манбалар асосида ўрганилган бўлса кейинчалик катта миқдордаги хитой тилидаги манбалар ҳам жалб этилди. XIX асрдан бошлаб марказийосиёшуносликда рус тилидаги нашрлар ҳам илмий муомалага киритилди. Бу албатта тадқиқотнинг мақсади, мазмуни, савияси, илмий қиймати ва манбавий асосларини кенгайтиришга ўз таъсирини кўрсатди.

Мазкур нуқтаи назар масаланинг фақат бир томонини очиб бериб, Ориентализмнинг замонавий концепциясида тадқиқотчилар томонидан ушбу илмий марказлар ва ориентализмни пайдо бўлишига нисбатан янгича қарашлар ҳам акс эттирилган.

Масалан, асли келиб чиқиши араблардан бўлган, лекин Ғарбда фундаментал таълим олган америкалик олим Э.Саид (1935–2003) ориентализмни ўзгача дунёқараш асосида шарҳлайди. Унинг фикрича: “Ғарбда илмий шарқшунослик Шарқ цивилизацияларини яқиндан тушуниш учун эмас, балки “тушунарли назорат” олиб бориш мақсадида яратилди. Ғарб ориенталистлари бу фан предметини бир цивилизация вакили ўз қизиқишлари доирасида бошқа цивилизация вакилларини назорат қилиши учун қанча тушуниш етарли бўлса, шунча миқдордагина тушунганлар” [6].

Э.Саид “орентализм” атамасини уч хил маънода ифодалайди:

1. Илмий. Шарқ ҳақида ёзадиган, маъруза қиладиган ёки тадқиқот олиб борадиган ҳар бир киши ориенталист ҳисобланади, унинг бажараётган ишлари эса ориентализмдир.
2. Ориентализмнинг янада умумийроқ маъноси, яъни “Шарқ ва Ғарбни онтологик ва эпистемологик тафовутлаш”га асосланган фикрлаш даражасида тушуниш.
3. Ориентализм (Шарқ устидан ҳукмронликни қўлга киритиш, ҳукмронлик қилиш ва қайта структуралашга қаратилган корпоратив институт”.

Ориентализм фан сифатида ғарбликлар фойдаланиши учун мўлжалланган ҳолатда юзага келди. Шунга қарамасдан унинг энг муҳим вазифаси Ғарбга оид бўлмаган маданиятлар тўғрисидаги ҳақиқатни, айнан Ғарб учун қулай ҳолда очиб беришдан иборат эди. Бунда албатта мафкуравий жараёнлар бирламчи ўрин эгаллайди.

Э.Саиднинг фикрича “Шарқ ўзини ўзи тақдим эта олмайди, шунинг учун ҳаттоки унинг фикри билан ҳисоблашмай ҳам, у ҳақида гапириш, ёзиш ва ҳаракат олиб бориш масъулиятини европаликлар ўзларига олдилар” [6].

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ориентализм мавзуси ҳаётнинг ижтимоий ва тарихий тафаккур, стереотиплар, фольклор, оммавий медиа ва оммавий маданият, социал ва гуманитар фанлар, таълим соҳаси ва бошқа соҳаларини қамраб олганлиги билан ҳам

қизиқарлидир. Э.Саиднинг концепцияси Шарқшуносликнинг ҳамма ривожланиш босқичлари ва йўналишларига хос эмас. Чунки, дастлабки шарқшунослик асарлари мустамлакачилик ғояларидан анча узоқ эди. Масалан, Бартелеми д'Эрбелонинг "Шарқ билиотекаси" номли асари европаликлар учун ҳақиқий манба эди. Э.Саиднинг ўзи ҳам буни "Ориентализм" асарида таъкидлаб ўтган [7: 100]. XVIII аср охиридан бошлаб, ориентализм Шарқни чуқурроқ ўрганиш учун шаклланган корпоратив институт тусини олди. Лекин, айнан ориентализм сабабли ҳам Шарқ ҳеч қачон (бугунги кунгача) тафаккур ва фаолиятнинг мустақил предметига айланмаган [7: 9].

XVIII аср ўрталаригача бўлган ориенталистлар Библияшунослар, семит тилини ўрганувчилар, ислом бўйича мутахассислар ёки синологлардир. Бироқ, Осиёнинг ичкари ҳудудлари XIX аср охиригача яъни Анкетил Дюперрон ва Уильям Джонс томонидан Авесто ҳамда санскрит тилининг хусусиятлари очиб берилгунча ҳамон ўзлаштирилмаган ҳудуд ҳисобланар эди. Шундай қилиб, XIX аср ориенталисти ё олим (синолог, исломшунос, ҳиндевропашунос) ёки маҳоратли энтузиазист бўлиши керак эди [7: 79].

Ориентализм туфайли Шарқ оламининг илмий, маданий, этнографик ҳаёти тадқиқотчилар томонидан мукаммал ўрганилганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Айниқса тил ўрганиш жараёнларига катта аҳамият қаратилган. Шарқдан олиб кетилган бой маънавий-маданий мерос француз тадқиқотчилари томонидан ўрганилиб, таржима қилинган ҳолда Европа китобхонларига етказиб берилган. Шарқни илмий жиҳатдан ўрганган француз ориенталистлари илмий ва амалий шарқшуносликни уйғун ҳолда давом эттирган, Шарқ маданияти ва санъати европаликлар томонидан ўзлаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алексеев В.М. Наука о Востоке. Москва, 1982.
2. Бартольд В.В. История изучение Востока в Европе и России. Ленинград. 1925.
3. Все столицы мира. Энциклопедический справочник. Москва, 2005. С. 160−165.
4. Лаумулин М.Т. Развитие востоковедения во Франции и изучение Центральной Азии // Восток, Москва. 2003 № 3, С. 169–190.
5. Масалиева О. XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи. Тошкент, 2011.

6. Саид Э.В. Восток путешественников и ученых: между словарной дефиницией и живой мыслью. С. // https: //www.strana-oz.ru.

7. Саид Э.В. Ориентализм. Западные концепции Востока / послесл. К. А. Крылова, пер. с англ. А. В. Говорунова. СПб. 2006. С. 9; 79.

8. Шаматов А. К вопросу о новых тенденциях в развитии современного востоковедения (на примере германской научной традиции) // Востоковедение. 2006, № 1–2. С.112–119.

9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.10. Тошкент, 2005. Б. 8–9.

10. Adam A. Les йtudes arabes et islamiques a la Facult des Lettres d'Aix-en-Province. Revue de l'Institute de Sociologie. Vol. 40. 1967. P. 201–216.

11. Andrй Du Ryer**.** Gulistan, ou l'empire des roses. Paris, 1634.

12. Barthйlйmi d'Herbelot de Molainville. Bibliothиque Orientale. Paris, 1697.

13. Boccler J., Timour, vulgo Tamerlanes. Srasbourg, 1657.

14. Boukhary A. Histoire de l'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand). Paris, 1876.

15. Deguignes J. de Histoire generale des Huns, des Turcs, des Mogols et des autres Tartares occidentau. Vol 4. Paris, 1756–1758.

16. Dubec J. Histoire du grand Tamerlan. Paris, 1612.

17. Finot. Sociйtй Asiatique, le livre du centrenaire 1822–1922. Paris, 1922.

18. Gorshenina S. La route de Samarcande. Geneve, 2000.

19. Granucci N. La vita de Tamburlano. Lucca, 1569.

20. http://dic.academic.ru/ Коллеж де Франс это

21. http://www.knowledge.su/v/vostokovedenie-orientalistika.

22. https://fr. wikipedia.org/wiki/Institut national des langues et civilizations orientales

23. https://ru. wikipedia

24. https://www. Parisinfo.ru

25. L'Espine H. de. Description des admirablea emerveilleuses loingtaines et estranges nations payennes de Tartarie et de la principaute de leur souverain seigneur. Paris, 1558.

26. Massй H. Les йtudes islamiques en France depuis 1939. Archiv Orientalni. Vol. XIX. No. 1–2. 1959. P. 94–97.

27. Petis de la Croix F. Charaf al din Ali. Histoire de Timur Bec, connu sous ie nom du Grand Tamerlan. Vol.4. Paris, 1722.

28. Quatremиre E.M. Djami el tevarih: Histoire des Mongols de la Perse йcrite en Persian par Rashid al-Din. Vol. 1. Paris, 1836.

29. Reclus E. L'Asie Russe. Nouvelle Gйographique Universelle. Vol.6. Paris, 1881.

30. Ternaux Compan, H., Bibliotheque asiatique et africaine ou cataloque des ouvrages relatifs a l'Asie et a l'Afrique jusqu'en 1700. Paris, 1841.

31.Vocabulaire de l’Йducation: Educatoin et Sciences de l’Йducation. Publiи sous la direction de Gaston Mialaret. Paris, 1979.

Д. Расулова

Францияда шарқшунослик мактабларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (XVI–XX аср бошларида)

Мазкур мақолада Францияда XVI–XX аср бошларида мавжуд бўлган шарқшунослик мактабларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи ёритилган. Ушбу мактабларда Шарқ тарихи, географияси, маданияти, тили, дини ва санъатини ўрганишга қаратилган фаолият методологияси муаллиф томонидан атрофлича таҳлил этилади. Шунингдек, Шарқ халқларини ўрганиш мақсадида бундай илмий марказларда тадқиқотларни ташкил этиш, тил ўрганиш, манбаларни излаб топиш, уларни таржима қилиш ва ўрганиш жараёнлари ҳам кенг ёритилган.

Калит сўзлар: *Шарқ, Марказий Осиё, ориентализм, шарқшунослик мактаблари, тарихшунослик, манбашунослик, француз шарқшунослиги, тадқиқотлар, тарих, этнография, маданият, дин, санъат, ташқи алоқалар.*

Д. Расулова

История формирования и развития востоковедных школ во Франции (XVI – начало XX вв)

В данной статье освещается история формирования и развития востоковедческих школ Франции в XVI–XX вв. Автором анализируется методология деятельности этих школ по изучению истории, географии, культуры, языков, религии и искусства Востока. А также в статье освещается процесс исследований в научных центрах, изучение языка, поиск источников, их изучение и перевод.

Ключевые слова: *Восток, Центральная Азия, ориентализм, востоковедческие школы, историография, источниковедение, французское востоковедение, исследования, история, этнография, культура, религия, искусство, внешние связи.*

D. Rasulova

History of formation and development of Oriental schools in France (16th – beginning 20th centuries)

This article highlights the history of the formation and development of Oriental schools in France in the 16th – beginning 20th centuries. The author analyzes the methodology of the activities of these schools in the study of history, geography, culture, languages, religion and the art of the East. And also the article highlights the process of research in scientific centers, study of the language, search for sources, their study and translation.

Key words: *East, Central Asia, orientalism, oriental schools, historiography, source study, French oriental studies, studies, history, ethnography, culture, religion, art, external relations.*

А. Бобожонов

Шарқ қўлёзмаларининг баъзи таркибий қисмлари ва уларни сақлашдаги ахлоқий меъёрлар (қўлёзмалар муқовасининг таъмири мисолида)

Ёзма ёдгорликлар ўзида нафақат ўтмишга оид ахборотларни жамлаганлиги билан, балки кейинги авлодларга маънавий-маданий, бадиий, техник ва тарихий қадриятларни етказувчи восита сифатида ҳам қадрлидир. Шу сабабли, қўлёзма ва тошбосма асарлар каби ноёб объектлар билан ишлаганда ҳужжатларнинг қадимий таркибини максимал даражада сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Қадимий қўлёзмалар билан ишловчи реставратор-консерваторларнинг асосий вазифаси консервация ишларини амалга ошириш билан бирга кодиколог тадқиқотчилар учун зарур бўлган маълумотларни ҳам сақлаб қолишга интилишдир.

Турли даврларда турли миллатлар томонидан муомалага киритилган муқованинг конструктив жиҳатлари ва муқова ясаш техникасининг ўзига хослиги ҳақидаги маълумотлар албатта қимматлидир. Аммо турли халқларнинг китобат техникасига қўшган улушини чегаралаш осон иш эмас. Зеро, ҳар бир миллатнинг муқовачилик санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳар хил бўлиб, муқовасозларнинг бирлари ўз техникалари асосида иш юритган бўлсалар, иккинчилари бошқа усталар ютуқларидан фойдаланган.